



2022-й. « 6 » 09

№ 112

Бош банкда харидлар бўйича энг яхши таклифларни танлашни амалга ошириш мақсадида Банкнинг 2022 йил 18 февралдаги 12-сонли буйруғи билан Бош Банк тендер ҳамда Йирик харид комиссиялари таркиби тасдиқланган.

Банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнида таркибий бўлинмаларнинг номи, вазифа ва функцияси ўзгарганлиги сабабли, айрим банк ходимлари бошқа таркибий бўлинмаларига ўтказилган.

Шунингдек, жорий йилнинг август ойида Бош банкда тузилган Ишчи гуруҳ томонидан амалдаги коллегиял органлар фаолияти ўрганилганда айрим коллегиял органлар раҳбарлари ва аъзоларининг иш юкламалари бошқаларига нисбатан сезиларли равишда юқори эканлиги аниқланган.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартиби"га асосан Буюртмачи танлаш ва тендер савдоларини ўтказиш учун камида 5 (беш) кишидан иборат бўлган "Йирик харид комиссияси" ҳамда камида 7 (етти) кишидан иборат бўлган "Тендер комиссияси" ни тузиши, комиссия аъзоларининг таркиби ва сони олинadиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини инобатга олган ҳолда буюртмачининг тегишли буйруғи билан тузилиши ва тарқатиб юборилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош банкда харидларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда коллегиял органлар раҳбарлари ва аъзолари ўртасидаги иш ҳажмини тўғри тақсимланишини ташкил этиш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Бош банк Тендер комиссияси қуйидаги янги таркибда тузилсин:

Тендер комиссия Раиси – А.Эргашев – Бошқарув Раиси ўринбосари;

Тендер комиссия Раиси ўринбосари – О.Воҳидов – Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори;

Тендер комиссияси аъзолари:

О.Сулаймонов – Юридик департаменти, Бошқарма бошлиғи;

Ф.Тўраев – Маъмурий хўжалик департаменти директори;

А.Кенжаев – Ахборот технологиялари департаменти директори биринчи ўринбосари;

Г.Санаев – Транзакцион банкинг департаменти директори;

М.Каримов – Банк карта тизимларини қўллаб – қувватлаш департаменти директори;

2. Бош банк Йирик харид комиссияси қуйидаги янги таркибда тузилсин:

Йирик харид комиссия Раиси – А.Эргашев – Бошқарув Раиси ўринбосари;

Йирик харид комиссия Раиси ўринбосари – О.Воҳидов – Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори;

Йирик харид комиссияси аъзолари:

Ф.Тўраев – Маъмурий хўжалик департаменти директори;

А.Кенжаев – Ахборот технологиялари департаменти директори биринчи ўринбосари;

А.Назаров – Юридик департамент директори ўринбосари;

3. Комиссия аъзоси меҳнат ёки ўқув таътилида, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ёхуд хизмат сафарида бўлганида, вазифаси вақтинчалик юклатилган ёки лавозим йўриқномаси бўйича вазифасини бажарувчи шахс комиссияда иштирок этади.

Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, комиссия таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки вазифасини бажариш зиммасига юкланган шахс киради.


4. Шу муносабат билан Банкнинг 2022 йил 18 февралдаги 12-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Акбаржонов зиммасига юклатилсин.


Бошқарув Раиси


С.Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А.Акбаржонов

Юридик департамент директори


Б.Норхужаев

Кирилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти


О.Воҳидов



